

Мусулмонларга бошпана берган шоҳ

05:00 / 06.01.2017 4771

Асҳима ибн Баҳр ан-Нажоший Ҳабашистон подшоҳининг ўғли бўлган. Худди Мисрда "фиръавн", форсларда "кисро", Византияда "ҳирақл" дейилгани каби Ҳабашистонда "нажоший" сўзи подшоҳларга нисбатан ишлатилган.

Асҳима отасининг ёлғиз ўғли бўлади. Амакисининг эса ўн иккита ўғли бор эди. Амакиси сарой аъёнлари билан келишиб, отасини ўлдиришади. Асҳима вояга етгач, амакисига ёрдам бериб, давлат ишларини бошқаради. У жуда ҳам ақлли ва фаросатли йигит эди. Сарой аъёнлари бир кун келиб сирлари очилиб қолишдан кўрқиб, подшоҳдан уни ё ўлдиришни, ёки бўлмаса, давлатдан бадарға қилишни талаб қилишади. Подшоҳ бадарға қилишга рози бўлади. Улар Асҳимани бир савдогарга сотиб юборишади.

Шоҳ ёмғирли тунда сайрга чиқади ва яшин уриб ўлади. Унинг болалари нодонлигидан бирортаси шоҳликка лойиқ кўрилмайди. Аъёнлар Асҳимани топиб, шоҳ этиб сайлашади. Асҳима адолатли ҳукм юрита бошлайди.

Айнан мана шу даврда Макка шаҳрида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар қилиб юборилган эдилар. Ислонинг илк даврлари, мусулмонларга қаттиқ тазйиқлар кўрсатилаётган паллалар... Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига фақатгина Ислонни қабул қилганлари учунгина кўрсатилаётган бундай тазйиқлардан қутулиш, динларини сақлаб қолиш учун Ҳабашистон диёрига ҳижрат қилишга рухсат берадилар. 615 йили ўн бир эркак ва тўрт аёл биринчи марта Ҳабашистонга паноҳ излаб боришади. Улар ичидан илк йўлга чиққанлар Усмон ибн Аффон билан аёллари Руқаййа (розийаллоҳу анҳо) эдилар. Уларни Ҳабашистонда яхши кутиб олишади. Иккинчи ҳижратда энди саксон икки киши бўлиб боришди. Макка мушриклари бундан хабар топиб, Ҳабашистонда тансиқ бўлган совға-саломлар олиб Нажошийнинг ҳузурига Амр ибн Ос билан Абдуллоҳ ибн Робиани юборишади. Улар Нажошийдан мусулмонларни уларга топширишини сўрайди. Нажоший адолатли ҳукм чиқариш учун саройга мусулмонларни чақиради. Орада қизғин мунозара бўлиб ўтади. Мусулмонлар номидан Жаъфар ибн Абу Толиб (розийаллоҳу анҳу) гапиради. Суҳбат асносида мушриклар Исо (алайҳиссалом) ҳақларида сўраб қолишади. Жаъфар (розийаллоҳу анҳу) Марям сурасининг 1—4-оятларини ўқийдилар. Нажошийнинг кўзи ёшга тўлади. Ҳатто соқоллари ҳам ҳўл бўлиб кетади. Рухонийлар ҳам

йиғлашади. Нажоший, бу нарса Мусо келтирган китоб билан бир манбадан келган, уларни сизларга топширмаймиз, деб мушрикларга қатъий рад жавобини беради.

Бу воқеа Қуръони каримнинг Моида сураси 82—83-оятлари нузулига сабаб бўлган эди: **"Имон келтирганларга (нисбатан) энг ашаддий адоватда бўлувчилар яҳудийлар ва ширк келтирганлар эканини кўрасиз. Имон келтирганларга нисбатан дўстликда яқинроқлар "Биз насронийлармиз" дейдиганлар эканини (ҳам) кўрасиз. Бунинг сабаби улар (насронийлар) ичида руҳоний ва роҳибларнинг борлиги ва уларнинг кибрга берилмаслигидир. Расул (Мухаммад)га нозил қилинган нарса (Қуръон)ни эшитганларида, унинг ҳақлигини англаганларида кўзлари ёшга тўлаётганини кўрасиз. Айтадилар: Эй Раббимиз! (Биз Мухаммадга) имон келтирдик. Бизни шаҳодат билан бирга ёзгин!"**

Нажоший Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида имон келтирган бўлса ҳам, у зотни кўра олмагани учун, Вайсул Қороний каби муҳадрам² даражасига эришган эди. Аллоҳ таоло ўз каломида у зотни ва роҳибларни мақтаб оят нозил қилди.

Нажоший (раҳматуллоҳи алайҳ) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Умму Ҳабибага (розийаллоҳу анҳо) уйланганларида у зотга валийлик қилди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) номларидан тўрт минг дирҳам маҳр берди. (**Абу Довуд, "Никоҳ"**). Ямандан Расулуллоҳни излаб кемада йўлга чиқиб адашиб Ҳабашистонга келиб қолган Ашъарий қавмига ҳам бошпана берди. Улар орасида машҳур саҳоба Мусо ал-Ашъарий ҳам бор эди. Юртида бирор киши мусулмонларга азият берадиган бўлса, унга жарима солар эди. Жаъфар (розийаллоҳу анҳу) бошчилигидаги мусулмонлар жамоаси Хайбар фатҳ этилгунча Ҳабашистонда эмин-эркин яшадилар. Хайбар фатҳи арафасида Нажошийдан (раҳматуллоҳи алайҳ) рухсат сўраб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига қайтишди. Нажоший (раҳматуллоҳи алайҳ) улар билан ҳадялар бериб юборди ва хизмат қилиши учун қариндоши Зу Нухтарони ҳам қўшиб беради.³ Расулуллоҳ ундан жуда мамнун бўладилар ва келган элчиларига ўзлари хизмат қиладилар.

Хандақ ғазотидан кейин Амр ибн Ос бир неча қурайшлар билан Ҳабашистонга Нажоший ҳузурига боришади. Уларнинг мақсади агар мусулмонлар Қурайш устидан қалаба қозонса, Ҳабашистонда жон сақлаб қолиш эди. Амр ибн Ос Нажоший билан дўст эди. Нажоший ҳузурида у Расулуллоҳнинг элчилари Амр ибн Умайяни кўриб қолади. Нажошийдан уни қатл қилишга рухсат беришини сўрайди. Нажошийнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) бу гапдан жаҳли чиқиб кетади. Унга қаттиқ танбеҳ бериб,

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг пайғамбари эканларини, тез кунларда ғолиб бўлишларини айтиб у зотга эргашишни, Исломни қабул қилишини тавсия қилади. Амр ибн Ос Нажоший (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳузурда Исломни қабул қилади, сўнг Мадинага келиб, Расулуллоҳга байъат беради.

Нажоший (раҳматуллоҳи алайҳ) 9 ҳижрий йил ражаб ойида вафот этган. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: "Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Нажошийни (раҳматуллоҳи алайҳ) айнан вафот этган куни (саҳобаларга) хабар бердилар. Бирга масжидга боришди. Саҳобалар сафга туришди. Тўрт такбир билан Расулуллоҳ имомликларида намоз ўқишди" (**Бухорий, "Жаноза"**).

Ойиша (розийаллоҳу анҳо) ривоятларида келишича, Нажошийнинг қабри устидан анча вақтгача нур чиқиб турган экан (**Абу Довуд, "Жиход", 29**).

Жалолiddин АҲМЕДОВ